



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Шанба Сони

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 196 (9842). • 1990 йил 13 октябрь • Баҳоси 5 тийин.

• ОБУНА-91 • ДИҚҚАТ, КОНКУРС!

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“ МУКОФОТЛАРИ СИЗЛАРНИ КУТМОҚДА

ВИЛОЯТИМИЗДАГИ БАРЧА НОҲИЯ ВА ШАҲАР
«СОЮЗПЕЧАТЬ» АГЕНТЛИКЛАРИ, АЛОҚА БЎЛИМЛАРИ
ХОДИМЛАРИ, КОРХОНА ВА ЎҚУВ ЮРТЛАРИДАГИ
ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР
ВА ШУ ИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ
БАРЧА ФАОЛЛАР ДИҚҚАТИГА!

АЗИЗ ДЎСТЛАР! Вилоятимизнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларидан рўзномамизга 1991 йил обунасига оид хабарлар келмоқда. Улар бизни «Союзпечать» идораси ходимларининг, жамоатчи матбуот тарқатувчиларининг шу кунлардаги тинимсиз меҳнати, куч-ғайрати, ташаббус билан ишлаётганлигидан огоҳ этяпти.

Рўзномамиз таҳрир ҳайъати «Тошкент ҳақиқати»нинг чин мухлисларини, ҳақиқий жонкуярларини рағбатлантиришга, бизга хайрихоҳ бўлиб амалга ошираётган катта ишларини муносиб тақдирлашга қарор қилди.

Биз бугун «Союзпечать» идоралари, корхона ва ўқув юртларидаги барча жамоатчи матбуот тар-

қатувчиларни, алоқа бўлимларининг ҳамма ходимларини муҳим хушхабардан огоҳ қилмоқчимиз.

«Тошкент ҳақиқати» обунани энг намували уюштирган, муштарийларимиз сонини оширишга энг кўп ҳисса қўшган «Союзпечать» идоралари, алоҳида жамоатчи матбуот тарқатувчилар, шу иш билан шуғулланаётган рўзномамизнинг чинакам жонкуярлари учун мукофотлар таъсис этди.

Бу мукофотлар орасида пул маблағлари, марказий курортларга бепул йўлланмалар, қимматбаҳо буюм, тансиқ нашрларга обуна қоғозлари бор. Қуйида мукофотлар ва уларнинг шартлари билан таништирамиз.

— Биринчи ўрин учун битта 500 СЎМЛИК МУКОФОТ.

Унга «Тошкент ҳақиқати»га обуна тўплашда энг юқори натижага эришган ноҳия ёки шаҳар алоқа бўлими, «Союзпечать» агентлиги сазовор бўлади.

— Иккинчи ўрин учун БИТТА 400 СЎМЛИК МУКОФОТ.

— Учинчи ўрин учун БИТТА 300 СЎМЛИК МУКОФОТ.

1, 2 ва 3-ўринлар обуначилар-

нинг умумий сонига қараб аниқланади.

Якка тартибда обуна уюштирган жамоатчи матбуот тарқатувчилар ва фаоллар учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилди:

— Битта биринчи мукофот — «ЭЛЕКТРОНИКА—М332 С» МАГНИТОФОНИ.

— Иккита иккинчи мукофот — ИТТИФОҚИМИЗНИНГ МАРКАЗИЙ КУРОРТЛАРИГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА.

— тўртта учинчи мукофот —

«ОГОНЕК» ЖУРНАЛИ ИЛОВАСИГА БЕПУЛ ОБУНА.

— тўртта тўртинчи мукофот — «ДРУЖБА НАРОДОВ» ТУРКУМИДАГИ КИТОБЛАР ТЎПЛАМИГА БЕПУЛ ОБУНА.

— тўртта бешинчи мукофот — «СЕЛЬСКАЯ МОЛОДЕЖЬ» ЖУРНАЛИНИНГ «ПОДВИГ» ТУРКУМИДАГИ ИЛОВАСИГА БЕПУЛ ОБУНА.

— 10 та рағбатлантирувчи мукофот — «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЎЗНОМАСИГА 1991 ЙИЛ УЧУН БЕПУЛ ОБУНА.

ОБУНА яқунларини чиқариш ва ғолибларни аниқлаш бўйича жюри ҳайъати тузилди. У виллоят партия комитети ва халқ депутатлари виллоят Совети, виллоят касаба уюшмалари кенгаши, «Союзпечать» виллоят идораси ҳамда рўзномамиз вакилларидан иборат. Конкурс ғолибларига совринлар обуна яқунлангач топширилади.

Обуна ўтказиш бўйича конкурснинг бориши рўзнома саҳифаларида ёритиб борилади.

«Тошкент ҳақиқати» муштарийлари сонини кўпайтириш, обунани муваффақиятди яқунлаш йўлида яхши ният билан бошланган ўзига хос беллашувда рўзномамизнинг ҳамма дўстлари, жонкуярларига катта муваффақиятлар ва омад тилаймиз.

БЕЛГИЛАНГАН СОВРИНЛАР ЎЗЛАРИНИНГ МУНОСИБ
СОҲИБЛАРИГА НАСИБ ЭТАДИ, ДЕГАН УМИДДАМИЗ



• ҲОСИЛ—90 •

• ҲОСИЛ—90 •



● Бекобод ноҳиясидаги Навоий номли жамоа хўжалигининг Абдунаби Турсунқулов бошлиқ оилавий бригадаси 20 гектар пахта майдонидан 25,3 центнердан ҳосил олди. Суратларда: Абдунаби Турсунқулов ва механизатор Райимқул Шукровлар; (юқориди) Барчиной Жавоқова ва Матлуба Турсунқуловлар кунга 170—180 килограммдан пахта теришмоқда.

Суратчи М. ҚОРАБЕКОВ.



МАРРАГА ЕТГАНЛАР

ВИЛОЯТИМИЗ пахтазорларида йигим-терим ишлари тобора қизиқ бормоқда. Мавжуд машиналар, техникадан унумли фойдаланиш натижа-сида кунлик ўсиш йиллик режанинг уч фойзидан пахта тушаётгани йўқ. Мавсумда илгори қилаётган УРТА ЧИРЧИК, КОММУНИСТИК, БУКА ноҳияларининг бир қанча хўжаликларида тўпланган ҳосил мўлжалдагидан анча ошиб кетди.

Сўнгги икки кун ичида виллоятимизнинг яна бир қатор хўжаликлари Ғалаба маррасига етиб келишди. Ғалаба ноҳиясидаги «УЗБЕКИСТОН ССР БЕШ ИЛЛИГИ», Оққўрғондан С. СЕГИЗБОВ номли, Пискент ноҳиясидаги «УЗБЕКИСТОН ССР 50 ИЛЛИГИ», СВЕРДЛОВ номли, Коммунистик ноҳиясидаги СВЕРДЛОВ номли шўро ва жамоа хўжаликларининг пахтакорлари мажбурият ҳисобига пахта топиришга киришди-лар.

Х. РУСТАМОВ.



ЎН БОШНИНГ ДАЛАСИДА

КЕНЖА МАДИЕРОВНИ машинасида даладан қайтаётганида учратдик. Оқ рангли «Жигули» йўлнинг четига ўтиб тўхтади. Оддий, қўри-нишдан хориганлиги билли-ниб турган одам. Бир сўз билан айтганда оддий ўзбек. Ўзбек бўлганида ҳам ўзбек-нинг деҳқони. Бу йилги мавсумда қандай ўзгаришлар бўлганлиги ҳақидаги саволи-миз суҳбатни бироз илтиб, гапни қовуштирди. Ҳа, ай-нан мавсумда, ҳосил, об-ҳа-во, теримда эмас, умуман бу йилги шароитда қандай ўз-гаришлар, бўлганлиги. Са-бабни, ўтган йили ҳаво бу йилгидан ёмон бўлмаган, ҳар қолда октябрнинг бошида ёмғир ёқганини эсломаймиз, ҳосил ҳам шунга яраша эди. Ҳатто 1989 йилни ўзаро гапларда «пахта йили» деб атаганимизни хотирлаймиз.

Кенжа ака яхши ўзгариш-лар бўлаётганини айтди. Тақ-қослаб кўрайлик: у бошлғи бўлган 4-бригада бултўр худ-ди шу пайтда режадаги пах-танинг 26 фойзининга тер-ган эди. Ҳозир бу рақам 64 фойз бўлди. Ўшбу сўзлари-миз ўқувчига етиб боргунча, тўпланган маҳсулот 70 фо-издан анча ортиб кетган бў-лади. Бригада, умуман хў-жаликнинг ўзига хос бир то-мони бор: Чиноздаги биз ёзаётган Охунбобов номли жамоа хўжалиги асосан 2 минг тоннага яқин уруғлик пахта беради. Уруғлики эса, сиз билан бизга маълумки, худди ҳаётдаги қаб, кела-жақда униб ўсиши керак бўл-ган ҳар қандай нарсани авай-лаш керак бўлганидек, маши-наларга ишониб бўлмайди. Лекин яқиндан далаларга машиналар ҳам туша бошла-ди. Демак, унум ҳам кўпая-ди. 4-бригада даласининг 135 гектарига пахта экилган. Гектаридан 43,5 центнердан ҳосил олиниши керак. Ўтган йили ҳам шунча бўлганди. Кўп эмасми, деган саволи-мизга ўнбоши «Бизнинг одамларимизга кўплик қил-майди», деб жавоб беради. Қандай муаммолар бор? «Муаммо йўқ, деса ҳам бў-лади. Ҳафтада бир марта ав-тодўкон, белгиланган кун-

лари ҳофизлар келиб тури-шибди. Яна нима керак? Менмча, ҳеч нарсаси».

Ҳа, Кенжа ака хонадон-ларга суюлтирилган газнинг вақтида келтирилмаётганли-гини ҳам айтиб ўтди. Бу ҳам истаймизми, йўқми, деҳқон-нинг кайфиятига таъсир қи-лади. Рўзгорда шунинг ҳам ўз ўрни бор. Ўнбоши режа-ни 13 октябрда бажарилиши-ни айтди. «12 га мўлжалла-гандик, ёмғир бир кунга ор-қага сурди».

Теримчилар ҳақида гап-радиған бўлсак, бригадада уларнинг энг илгорларидан деб Ҳафиза Абдуллаевани айтиш мумкин. Онаси билан бирга ишлаётган Ҳафиза охириги ўн кунликда 580 сўм ҳақ олди. Жами терган пах-таси 6 тоннадан ошди. Мав-сум тугагунча бу рақамни 10 тоннага етказмоқчи. Айтиш мумкин, пулини олгандан ке-йин ишлайди-да, Бунинг яна нимасини ёзиш керак деб. Бироқ килограммининг 50 тий-нидан қилиб қўйганда ҳам пахтанинг меҳнати намайиб қолмайди. Ўшанда ҳам 100 килограмм пахтани териш машаққат бўлиб, ўшанда ҳам ҳамма этак боғлаб далага чи-қавермайди. Шунинг учун Ҳафиза дугоналарини Мукар-рама Ортиқова, Умида Хол-матовалардек 120—150 ки-лограммдан ҳосил тираётган экан, буни фақат яхши сўз-лар билан айтиш керак бў-лади.

Бригада аъзоларидан На-зир Соиповга ҳам ишнинг енглиги тушмаган. Пахтани ёлиб қуритиш, тракторларга юклаб, пунктга топиришга тайёрлаш у ва унинг дўстла-рининг зиммасидир, ҳамда Назир бу вазифани астойдил бажармоқда. Хуллас, Охун-бобов номли жамоа хўжали-гида теримнинг шашти су-сайгани йўқ. Хўжалик деҳ-қонлари белгиланган маррага тобора яқинлашиб келишяп-ти. Бунда ўнбоши Кенжа Ма-диёров, деҳқон йигит Назир Соипов, теримчи Ҳафиза Аб-дуллаеваларнинг хизматлари кам эмас.

Р. ХУДОЕВОВ.

ТЕРИМ КУНДАЛИГИ

Виллоятимиз ноҳияларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 12 октябргача бўлган

МА Ў Л У М О Т

(режага нисбатан фойз ҳисобида)

Биринчи устун — ноҳиялар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган, учинчи устун — мавсум бошидан бўён; тўртинчи устун — машина терим бир кунлик; бешинчи устун — мавсум бошидан бўён.

Урта Чирчиқ	4,40	96,16	5,09	118,05
Коммунистик	3,09	95,67	3,40	113,80
Бўка	3,47	86,71	4,12	99,12
Бекобод	2,31	85,15	2,11	86,48
Оққўрғон	2,80	84,99	3,25	94,25
Пискент	3,00	83,15	3,41	82,98
Ғалаба	3,49	82,89	4,00	95,67
Чиноз	3,13	82,02	3,85	78,31
Янгиўл	2,75	69,64	2,93	70,24

Виллоят бўйича: 3,16 85,54 3,41 90,38

Тошкент виллоят Ленин комсомоли мукофотлари комиссиясида

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент виллоят комитети ҳузуридаги Тошкент виллоят Ленин комсомоли мукофотлари комиссияси 1990 йил учун адабиёт, журналистика ва санъат соҳа-сида танловнинг иккинчи босқичида қатнашиш учун киритилган номзод-лар рўйхатини хабар қилади.

1. АДАБИЁТ ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА:

1. Исронов Зоир — Ғалаба ноҳия-сидаги «Ленин йўли» рўзномаси-нинг хатлар ва оммавий ишлар бў-лими мудири. Адабиёт ва журна-листика соҳасидаги муваффақият-лари учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Ғалаба ноҳия комитети тавсия этган.

2. Зокирова Ҳанифа — Ғалаба но-ҳиясидаги «Ленин йўли» рўзномаси-нинг маъсул котибаси. Адабиёт ва журналистика соҳасидаги муваффа-қиятлари учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Ғалаба ноҳия комитети тавсия этган.

3. Абдуллаева Нури — Пискент ноҳиясидаги марказий кутубхона му-дираси. Ўзбек адабиётини ёшлар ўр-тасида тарғиб қилишдаги муваффа-қиятлари учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Пискент ноҳия комитети тавсия этган.

4. Сулаймонов Мухтор — Ўзбеки-стон ССР Маданият фонди матбуот марказининг муҳбири — адабий хо-дими. Ёшлар ўртасида миллий мада-

ниятни тарғиб қилишдаги ютуқлари учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Киров ноҳия ко-митети тавсия этган.

5. Ғаниев Иброҳим — Пискент ноҳия ижроия комитети маданият бўлимининг сценарийчиси. Адабиёт ҳамда журналистика соҳасидаги му-ваффақиятлари учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Пискент ноҳия комитети тавсия этган.

II. КОНЦЕРТ-ИЖРОЧИЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДА

1. Бобораҳимов Абдукарим — Ан-грен шаҳридаги 2-маданият уйи «Чот-қол» халқ ансамблининг бадиий раҳ-бар. Ўзбек халқ қўшиқ санъатини тарғиб қилганлиги учун.

Ўзбекистон телевидениесининг му-сиқавий кўрсатувлар бош муҳарри-рияси тавсия этган.

2. Раҳматов Нозим — Ангрен ша-ҳридаги 29-ўрта мактабнинг музика ўқитувчиси. «Бинафша» болалар ан-самблини ташкил этувчиси ҳамда раҳбар. Ёш авлодни музикали тар-биялашдаги ва ёшларнинг маданий дам олишларини ташкил қилишдаги хизматлари учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Ангрен шаҳар комитети тавсия этган.

3. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунуни Маданият сар-ойидаги «Ўзбекистон гуллари» халқ рақс ансамбли. Студент-ёшлар ўртасида ўзбек миллий рақсини тар-ғиб қилганлиги ва ёшларни бўш вақт-ларини мазмунли ўтказишда фаол иштирок этганлиги учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Собир Раҳимов ноҳия комитети тавсия этган.

4. Чирчиқ шаҳридаги «Электрхим-пром» ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият уйининг «Рассвет» цирк жамоаси. Ёшлар ўртасида цирк санъ-атини тарғиб қилиш ва ривожланти-ришдаги хизматлари учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Чирчиқ шаҳар комитети тавсия этган.

5. Низомов Баҳодир — Паркент ноҳия маданият уйининг «Паркент гуллари» халқ ансамблининг соли-сти. Юксак ижрочилик маҳорати учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Паркент ноҳия комитети тавсия этган.

6. Бекобод ноҳиясидаги Ҳ. Ҳ. Ниё-зий номли пионер ва ўқувчилар уйи-нинг «Бинафша» ансамбли. Миллий

музика санъатини ривожлантирган-лиги ва тарғиб қилганлиги учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Бекобод ноҳия комитети тавсия этган.

7. Назаров Анбаржон — Тошкент тўқимачилик комбинатининг Ю. А. Гагарин номидаги маданият уйи до-рачилар ансамблининг бадиий раҳ-бар. Юксак ижрочилик маҳорати учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Фрунзе ноҳия комитети тавсия этган.

III. ТЕАТР ВА КИНО САНЪАТИ СОҲАСИДА

1. Чирчиқ шаҳридаги «Электрхим-пром» ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият уйи «Петрушка» кўғирчоқ театри. Ўсимлар ва болалар ўрта-сида кўғирчоқ театри ананаларини ривожлантирганлиги ва тарғиб қил-ганлиги учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Чирчиқ шаҳар комитети тавсия этган.

2. Нарзуллаев Сайдулло — Ўзе-бекистон телевидениесининг драма-тик кўрсатувлар муҳарриратининг ре-жиссёр-ассистенти. Режиссёрликдаги юксак маҳорати учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Октябрь ноҳия комитети тавсия этган.

3. Алибеков Сергей — «Тола» мультфильмининг постановкачи-рас-соми.

Муродхўжаева Светлана — шу фильмининг постановкачи-режиссёри. «Ўзбекфильм» Давлат ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси тавсия этган.



КҮН
ДАФТАРДАГИ
САТЛАР

ТОШХОН опа Сафаровани Тошкент ноҳиясида эл-юртга хизмат синган фаол жамоатчи сифатида кўпчилик ҳурмат қилади. У Ленин номли жамоа ҳужалиги уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши раисининг ўринбосари, хотин-қизлар кенгашининг раиси. Қизини шундаки, Опа адабиёт ва санъатнинг ҳам чинакам шайдоси. Бунинг устига у халқ оғзаки ижоди анъаналари йўлида шеърлар ҳам машқ қилиб туради, нафосат улугланадиган давраларда бадиҳагўйлик билан бағишлов ва айтишувлар тўкиб ташлайди. Биз Опанинг рўзномасиз муҳарририятига тақдим этган кўк жилди дафтарга жамланган шеърлари билан танишиб, бунинг гувоҳи бўлдик ва муштарийлар эътиборига бу машқлардан намуналар тақдим этишни лозим топдик.



Adabiyot va san'at



ДАЪВАТ

Эй, азиз фарзандларим, шўхликларни бас қилинг, Эл-юрт мол-мулкни доим муқаддас деб билинг. Инсон бошига ҳам тушса бир жону бир тан бўлинг, Ҳар киши танҳо қолар ёнида гар дўст бўлмаса.

Ерга бугдой сепсангиз гар, ҳосили бугдой бўлар, Астойдил тер тўққаннинг хирмони тоғдай бўлар, Ҳалол ризқ-насибнинг мазаси мойдай бўлар, Ҳеч рўшнолик йўқ ҳаётда меҳнатдан асос бўлмаса.

Еш умрингиз бор экан то аҳли донишга таянинг, Мард, жасур, илмли бўлинг — эзгу тилатимдир маним, Ҳаётнинг ҳар лаҳзасини доим ғанимат деб билинг, Алл йигитнинг юзи қаро, агар сўзи рост бўлмаса.

Тошхон айтар, меҳр-оқибат риштаси ҳеч узилмасин, Улуғ боболардан мерос бу юрт то абад бузилмасин, Бу кунлар ҳам ўтса-ўтсин, тақчилликлар чўзилмасин, Иқбалимиз порлоқ бўлмас юракда оташ бўлмаса...

АЙТИШУВ

1-қиз:
Дарёдан оқиб келади оқ ёғоч,
Оқ ёғочга ин қўйибди қалдирғоч,
Қалдирғоч қанотига қил боғлайам,
Сиз билан айтишувга бел боғладим.

2-қиз:
Дарёдаги оқ ёғочдан сол бойладик,
Соёнига гилам тўшаб, базм айлادик,
Хуш келибсиз, эй дилбери, жононалар,
Кўнглимизни чоғ этишга жазм айлادик.

3-қиз:
Узоқларга қараб турсам тоғ кўринди,
Тоғ бағрида бир ажойиб бог кўринди,
Боққа кириб, гулзор ичра кезиб юрсам,
Сиздай сулув қизининг кайфи чоғ кўринди.

4-қиз:
Баҳор келса, дунё дарддан даволанур,
Бор мавжудот яшид рангдан зеболанур,
Гулдан либос кийиб роса солланибсиз,
Бугун парил-пайкарларим ҳаволанур.

5-қиз:
Ўшал боғнинг бир бурчида мен ҳам борман,
Гулу райхон бўйларидан кўп ҳуорман,
Саҳар чоғи боғни аста кезиб чиқиб,
Гулдан сизни ажратолмай ҳайрон-лолман.

6-қиз:
Дугонажон, қачон кўрсам гўзал, ёшсиз,
Сарвақомат, ҳипча белли, қаламқошсиз,
Сизни поччам олиб келган Кўҳи қоғдан,
Гулу райхон, жамбиллардан аълоросиз.

7-қиз:
Анов тоғнинг ён бағрида юрган ким у,
Лолалардан кучоқ-кучоқ терган ким у,
Эгиндаги кийиб тоғни ялтирайдим,
Гуллар билан унсиз сўхбат қурган ким у?

8-қиз:
Қир-адирда кезиб юрган бизнинг ёрди,
Унинг келар йўлларига дил ҳуморди,
Қайтишга девзирадан палов дамлай,
Емасалар едираман... аҳдим борди.

1-қиз:
Дарёдан оқиб келади оқ ёғоч,
Оқ ёғочга ин қўйибди қалдирғоч,
Қалдирғочнинг қанотига ҳат эайини,
Айтишувни рўзномага ташлаб ўтсин.

Тошхон САФАРОВА.

• КУЛГИ УСТАЛАРИ

ХИЗМАТ юзасидан пойтахтимиздаги Улуғбек номидаги маданий ва истироҳат боғига борамдиз. Мақсадим дам олиш кунлари одамлар қандай ҳордиқ чиқараётганликлари ҳақида бирорта лаваҳа ёзиш эди. Боғда одамлар гавжум. Кимдир хархаша қилаётган болаларига музқаймоқ улашар, баъзиларнинг эса аргимчоқ учаётган тойчоқларининг қийқириқларидан завқ олаётганлиги, чех-расидан сезилиб турарди.

Муъжазгина саҳнада басавлат киши Навойининг: «Қора кўзим кел эй мардумнинг энди фан қилғил» деб бошланадиган газалини шундай куйлардики, тинглаётганлар беихтиёр гавдаси билан тебранишиб эшитаётганлигидан ашуланинг уларга маъқуллиги биллиниб турарди. Баъзилар, «яшанг катта» деса, бошқаси: «Жуфт бўлсин!» дерди.

Уч жуфт қўшиқчи нўҳюсига етказган ҳофиз орқасига ўтирилди-да:

— Мулла Эркин, доирани узатиб юбор, — деди. Санъаткор доирани маҳорат билан кўлда ўйнатиб чалдики, ўзин томошабин бўлмаганимда уни моҳир доирачилар томонидан ижро этилиб, ҳозирда фонограммалар берилган товуш деб ҳисоблаган бўлардим. Сўнггида одамлар: «баракалла, офарин», дея олқишлашди. «Жуфт бўлсин!» деган овозлар тез-тез эшитилмоқда эди.

— Мулла Эркин, — деди санъаткор, — энди мана шу қора кўзаларни бир куйдирсак, кўнглини шод этсак, нима дейсан?

— Маъқул, — деди унинг ёнида ҳозир бўлган киши. — Янгисидан борми? — сўради басавлат санъаткор.

— Бор-да, — жавоб берди шериги, — Ўзингиздан бўлсин.

— Бир одам касал бўлиб қолибди. Тез-тез ҳушидан кетар ва яна ўзига келаркан, Ҳар сафар хотини тепасига хабл суриб турганини кўракан. Хотинидан сўрабди: Нималарни ўйлаётганингни биламан. Мен ўлганимдан кейин кимни мўлжаллапсан, айтақол деса, хотини: — Мабодо, ўлмай қолсангиз олиб қўйган нарсаларим нима бўлади, — дебди.

Ҳангома нўҳюят авжига чиқар, одамлар эса қоринларини ушлаб қулишдан ўзларини тўхтата олмасди. Бир гап охирига етар-етмас яна кулги кўтарилар, аскиячилар эса шовқин сал пасайгунча кутиб туришарди. Орачора ёнимда ўтирган кишидан сўраб қўяман.

деб сўзлай кетди Абулқосим ака. — Ойладаги бундай мурихт шу ҳовлининг болалари бўлган бизга таъбир қилмай қолмасди. Бўш қолдм де-гунча отамнинг танбурини кўлга олиб, машқ қилардим...

У санъатга иштиёқи зўр бўлганидан тез орада соз

— Улуғ Ватан уруши бошланган пайтда бутун совет халқи она юртни ҳимоя қилиш учун оёққа турди. Қурол ушлашга имкони бўлган фронтга кўнглилар қаторида жўнаб кетди. Абулқосим ҳам концерт бригадаси таркибиде фронтга отланди. Турсуной Маҳмудова, Галия

роллари маҳорат билан ижро этди.

Абулқосим ака халқимизнинг ўрф-одатларини, таълим-тарбияга оид анъаналарини тарғиб қилишда ҳам ўз ҳиссасини қўшганлардан. 1976 йилда у киши Нўшқин номидаги маданий ва истироҳат боғи майдонида жамоатчилик асосида «Ғалаба» номи билан чойхона ташкил этди. Чойхонада ҳар ҳафтанинг душанба кўни аския кечаси ўтказиладиган бўлди. Саккиз йил ичда бу ерда 120 марта шундай ичакузди йиғинлар уюштирилди. Ҳатто Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон, Ўш шаҳарларидан санъаткорлар, аскиячилар бу ерга тез-тез келиб туришга одатланишганди. Бундан ташқари бу ерда 100 дан ортиқ хотира кечаси ўтказилиб, уларда юртимизнинг асл фарзандлари эсланди. Улар ҳақида, оиласи, болалари кимлар, қаерларда ишлашди, насби-қори ҳақида қисқача маълумотлар ҳам бериб боришди. «Муштум» ва «Табассум» кечалари, шоир ва ёзувчилар билан учрашулар уюштирилганди. Шу ўринда савол туғилди: нима учун ҳозир шаҳарларда аскиячилар халқ билан тез-тез учрашмайпти? Бу ҳақда ўйлаб кўрилса ёмон бўлмасди.

Биз юқорда Абулқосим Тўйчиевни моҳир доирачи ҳам дегандик. Ҳа, дарҳақиқат шундай. Бу соҳада ҳам унинг шогирдлари жуда кўп. Ўзбекистон ССР халқ артисти Қаҳрамон Дадаев, бадий сўз устаси ва доирачи, хонанда Эркин Тўйчиев — Абулқосим аканинг издошларидир. Бу рўйхатни давом эттириш мумкин.

Абулқосим ака катта санъат даргоҳига қадам қўйганига 50 йилдан ошди. Эл-юртга синдирилган хизмат қилиб келмоқда. Санъаткор ҳар қандай давранинг тансиқ меҳмони. Унинг ижодида, санъатидан ҳамма баҳраманд, халқимизнинг олқиши ва диққат-эътиборини қозонган. «Катта»нинг бисоти тўлиб-тошиб ётибди, ана шу ноёб бисотнинг қадрига етайлик, азизлар!

И. ТОШЕВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири.

«КАТТА»нинг БИСОТИ



— Бу киши ким?
— Билмасизми, — жавоб берди у киши.
— Йў.

— Мулла Тўйчи ҳофизнинг ўғиллари Абулқосим Тўйчиев, ёиларидаги укалари Эркинбой бўлади.

Ҳозирги ёшлар санъатининг битта турини, бирор асбобда чалишни ёки ашула айтишни яхшироқ ўзлаштирсалар дўппиларини осмонга отиб юраверишди. «Виз, зўр санъаткоримиз», деб, Абулқосим акада бундай хусусият йўқ. У киши — камтар инсон. Танбур чертади, дутор, доира чалади, ашула айтиб, аскияда ҳаммани куйдириб, халқ кўнглини шод этишни ва одамларга хизмат қилишни ўзининг бурчи деб билади.

— Сизда санъатга бўлган қизиқиш қачон бошланган? — деб сўрадим Абулқосим акадан.

— Эски Жўваннинг Гулбозор маҳалласи Ҳовузбоғ кўчасидаги пасткам, кўримсизгина тор ҳовлига Тўйчи ҳофизнинг дўстлари ва шогирдларини — Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдулқазим, Имомжон Икромов, Маъмуржон Узоқов, Юнус Ражабийлар тез-тез келиб туришарди. Ҳар сафар бир пиёла чой устида ашула ижро этилар ва нўҳюят ана шундай давралар ҳар доим аския пайрови билан якунланарди, —

чалишни ўрганди. Ҳан сўз чертиб, ашула айта бошладим. Мулла Тўйчи ўғлининг қизиқиши шунчаки ҳавас эмаслигини билгач, уни 1936 йилда ташкил этилган филармонияга етаклаб келди. Ана шунда кичкина Абулқосим катта санъат даргоҳига илк қадам қўйганди. Бу ерда у Ҳ. Носирова, Тамара-хоним, Г. Измайловлар билан ҳамкорликда ишлади. Доира чалди, ашула айтди, баъзи-баъзида аския ҳам қилиб турди.

1937 йили Москвада ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати кўнларига кўрсатилган томошаларда доира чалиб москваликлар таҳсинига сазовор бўлганди.

Урушдан олдин Лутфиҳоним Саримсоқова раҳбарлигида жумҳуриятда биринчи хотин-қизлар ансамбли ташкил этилди. Абулқосимини ана шу ижодий жамоа аъзолари ўзларига доирачи қилиб олишди, ва тез орада улар катта Фарғона каналли қурувчиларига томоша кўрсатиш учун жўнаб кеттишди. Эндигина 15—16 ёшга кирган Абулқосим танбур чертиб, ашула айтди, доира чалди. Фарғона волиёсининг ёш қариси ҳазил-муйотибага ўч эмасми, улар билан аския пайровига ҳам киришди кетарди. У шў тариқа санъаткор сифатида халқ орасида танилиб борди.

Измайлова, Тошкенбой Иброҳимовлар билан Қрим йўналишидаги Қорасув, Евпатория, Симферополь, Севастополь каби шаҳарларда салкам бир йилга яқин бирга бўлди. Олдинги марраларда олишайтган жангчиларимиз ҳузурида концертлар қўйишди. Она юртни ҳимоя қилишга ундовчи қўшиқлар қўйлашди, жангчиларнинг руҳларини кўтарди.

Ғалабадан сўнг у Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театрида актёр бўлиб ишлаш бошлади. Саҳнада яратган қатор образлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди. «Фарҳод ва Ширин» спектаклидаги Ҳусрав, «Тоҳир ва Зухра»да Қоработир, Хон Бобохон, «Алломиш»да Қўқалдов, К. Яшиннинг «Нурхон» драмасидаги Саркор каби қатор

МАҲАЛЛА-ЯҒОНА ОИЛА

ЭЛДА АЗИЗ КИШИЛАР

Сухбатдошим — «Оқтепа» маҳалла комитетининг раиси Убайдулла Маҳмамовни бола-лигимдан танийман. У мактабимизда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, директор сифатида кўп йиллар ишлаб, обрў-эътибор билан дам олишга чиқди. Кўпчилик орасида қадр толган мураббийни маҳалла аҳли ўзининг сарқори қилиб сайлади. Шундан буён у хонадонларнинг яхши тўйларида, оғир кунларида улар билан ёнма-ён, шодлиқларини ҳам, ташвишларини ҳам биргаликда баҳам кўради.

Катта-ю кичикка баробар, тадбиркор, ташкилотчи ҳушфоя ва серғайрат раис қисқа фурсат ичида анчагина тадбирларни амалга ошириб аҳоли ҳурматиини қозонди. Шулардан бири кўчаларга меҳнат ветеранлари, зиёлиларнинг номларини бериб улар хотирасини абадийлаштириш бўлди.

Марҳум ўқитувчи Нуъмон Убайдуллаев, меҳнат ветеранлари Мирзакарим Мирҳожиев, Маҳкам Қулматов, Сойиб Юсупов шифокор Зайниддин Каримов ва элда номлари азиз бўлган бошқа кишиларнинг руҳини шод этди.

— Педагогик касбим мени яна бир хайрли ишга даъват қилди,— дейди у. — Кўпдан бери маҳалламиз кишиларнинг ҳаёти тўғрисида музей ташкил этиш ниятини бор эди. Шу орзуми ушланганидан беҳад қўрсандим.

Убайдулла Маҳмамовга бу истагининг рўёбга чиқишида ўзи ишлаган 274-ўрта мактаб педагоглари, ўқувчилари ёрдам берди.

ришди. Улар Оқтепа маҳалласи Тошкент шаҳри ҳудудига ўтмасдан олдин, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг Ленин участкасида фидокорлик кўрсатган меҳнат ва уруш ветеранлари, колхозлаштириш даврининг фаоллари, шу маҳаллада туғилиб ўсган ва истиқомат қилаётган олимлар, Афғонистонда байналмилал бурчини ўтаган жангчилар суратларини тўплаб стендлар ташкил этди. Эндликда шинамгина бу музей мактабда билми олаётган ёшларни тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда. Музейда маҳаллада ўтган навоийхонлик кечаси, Наврўз байрами ва бошқа маданий тадбирларга оид стендлар ҳам мавжуд.

Албатта, маҳаллада бундай ташкилий тадбирларни ёлғиз бир кишининг ўзи бажариши мушкул. Бунини яхши тушунган маҳалла комитети раиси ҳамisha ўз фаоллари — Собир Мирвалиев, Султон Миробидов, Юсуп Йўлдошев, Йўлчи Абдурахмонов, Тўлқин Аҳмедов, Вали Алматовларга таяниб иш юртимокда.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори профессор С. Мирвалиев ташаббуси билан маҳаллада кўпгина таниқли олимлар, адабиётшунослар меҳмон бўлишиб, аҳоли билан ўтмиш классикларимизнинг бой мерослари ҳақида кизикерли суҳбатлар ўтказдилар.

Музейда қаҳрамон оналар, ёшлар ҳаётига доир сермазмун альбомлар ҳам ташкил этилган.

Суратда: маҳалла фаолларида бир гуруҳи (чапдан ўнгга олдинги қаторда) Зафарот Усмонова, Убайдулла Маҳмамов, Султон Миробидов, Толиқ Орипов, (орқа қаторда) Юсуп Йўлдошев, Ҳамид Шокиров, Мухтасар Умарова, Эркин Жамоловлар ўзаро суҳбатда.



Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги
Тошкент шаҳар Киров ноҳияси
халқ маорифи бўлими
Юсуф Мўминов номи
274-ўрта умумий таълим
МАКТАБИ

Ҳозир 274-ўрта мактаб Юсуф Мўминов номи билан аталади. Суратда: ўқувчилар Юсуф ота портрети олдида.

ЯХШИДАН НОМ ҚОЛДИ

Маҳаллада марҳум зиёкор, кўп йиллар давомида собик 27-ўрта мактабда директорлик қилган Юсуф Мўминов номи ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Бу бежиз эмас. Ночоргина бир мактабнинг Тошкент педагогика илмий-тадқиқот институти таянч базасига айланишида унинг ҳиссаси катта эди. Директор ўқувчилар манфаати учун ҳали ноҳия, ҳали шаҳар халқ таълими бўлимларига, ҳали вазирликка юришдан толиқмасди. Унинг эл фарзандларига билим беришдаги хизматлари партия, ҳукумат томонидан ҳам қадрланган, Ленин ордени ва медаллар билан мукофотланган эди. Мактабда «отан» номи билан машҳур бў-

либ кетган Ю. Мўминов пенсияга чиққанидан кейин ҳам қўл қовуштириб ўтирмади. Эл ташвиши билан яшади. У ҳаёдан кўз юнганда бутун маҳалла юрак-бағри эзлиб сўнгги йўлга кузатди, қабрини гулларга ўради. Мактаб дружинасига эса унинг номи берилди. Иккундан ўтган сайин Юсуф ота шоғирдларида, маҳалла зиёлиларида тиниб-тинчимас марҳум директорга бўлган меҳр тафти оловланса оловландики, есло пасаймади. Кейин бу алаenga янги бир ташаббусни туғдирди. Отанинг шоғирди, биология фанлари номзоди, ҳозир у ишлаган Энгельс номи 274-ўрта мактабда директорлик қи-



Сиз кўриб турган бу фидойи боболар ва бувилар бугун мангу уйқуда. Уларнинг меҳнатдаги ажойиб аъёналарини фарзандлари давом эттиришмоқда.

лаётган Манноп Ортиқов мактабга Юсуф Мўминов номини бериш ҳақидаги таклиф билан чиқди. Унинг бу истагини маҳалладагилар тўла қўллаб-қувватладилар. Бу таклифни халқ депутатлари Киров ноҳия Совети ижроия комитети ҳам тасдиқлади. Шу тариқа ота номи янада абадийлашиб қолди. Маҳалла аҳлининг эса яхшидан ном қолар экан, деб қувончига — қувонч қўшилди.

ОЛТИНЧИСИ ЎГИЛ

Маҳаллада Муборак ая табаррук онахонлардан ҳисобланадилар. Байрамларда, хайитларда фақат қариндош-уруғларга эмас, кўни-қўшнилари ҳам меҳрлари товланиб, ширин-сўз, дуоғўй бу онани зиёрат қилиб чиқишади. Онахон ҳузурига кирганлар борки «Сизга ўхшаб юрайлик» — деб ҳавас қилишгани — қилишган. Бу бежиз эмас. Чиндан ҳам ая бошлиқ бу хонадон кўпчиликлари ибрат бўларли. Оиладаги ўғиллар, қизлар, келинларнинг ҳаммаси билимли, одобли, бири-бирдан қаққон ва меҳнаткаш. Небаралар ҳам ана шундай муҳида тарбияланишди.

Фарзандлар болаликларида оқ юзиб, оқ тараган онахонларини бошларига кўтарадилар. Нуриддин Жалолов шу оилада камол топаётган ўғиллардан бири. У ёшлигидан илмга меҳр қўйди. Институтни тугатгач, ўқитувчи бўлиб ишлади. Кейинчалик Киров ноҳиясидаги 1-кечки ишчи-ёшлар мактабига директорлик қилди.

Бир неча йилдирки, у Киров район халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосаридир. Яқин-яқингача Нуриддин бешта қизининг отаси эди. Ўғиллик бўлишни жуда-жуда орзу қиларди. Сентябрь ойида оилада олтинчи фарзанд — ўғил туғилди. Нақ бутун маҳалла Муборак ая уйига кўчди. Аяни, Нуриддинни, умр йўлдошини бу қувонч билан самимий қутлашди. Она шодлиги маҳалла шодлигига айланиб кетди.

Жажи қақалоққа кексалар катта бобосининг исмини кўйишди. Ҳозир Жамолдин беш қиз орасида қўлма-қўл бўлиб яйраб ўсмоқда.

С. ҲАСАНОВ.



Маҳалла кўчаларига эл орасида меҳнати билан та-

нилан, ўзлари ҳаётдан кўз юмган бўлсалар-да, сиймола-

ри боқий отахонлар номлари берилган.

Суратчи Д. АҲМАД.

ТАБИАТ ВА ИНСОН.

БАРЧА ҚИТЪА МУЖАССАМ

Бу боғга кириб сайир қилсангиз кўраи заминимизнинг барча минтақаларида бўлгандай ҳис қиласиз ўзингизни. Унинг ўсимликлар дунёси шунчалик кўп, турли-тумани санаб сановига етолмайсиз умуман. Бунинг аниқ тасаввур қилишингиз учун айрим рақамларни келтириб қўяқолайлик.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли тўла маънодаги жаннатмакон бу ботаника боғи саксон гектар майдонни эгаллаган. Унда иқлимимизга мослаштирилган, яъни жаҳоннинг барча бурчакларидан келтириб экилган, парвариш қилинаётган ўсимликлар сони беш минг беш юзтадан ҳам ортиқдир. Уларнинг турлари, шакллари ва навлари янада кўп, хилма-хилдир. Бу ерда бошқа жугрофий минтақалардан олиб келинган ўсимликлар устида кенг қўламда тадқиқот ишлари ҳам олиб борилади, уларни жумҳуриятимизнинг турли ҳудудларида ўстиришга мослаштирилади, жорий қилинади.

Ботаника боғи деңдратейсида Оврупо ва Кавказ, Узоқ Шарқ, Урта Осиё, Шимолий Америка, Хитойда ўсадиган икки минг икки юз турдан ортиқ дарахтлар ва буталар жамланган. Унинг зирк, дўлана, иргайлари йиғиндиси Совет Иттифоқида энг йирик ва тўла ҳисобланади. Ҳт-ўланлар турларидан пола ва эрсмурсулари йиғиндиси бўйича жаҳонда энг йирик ботаника боғлари қаторида туради. Бу ерда Урта Осиёда нисбатда кам учрайдиган ва йўқолиб кетаётган ўсимликларнинг 149 тури сақланмоқда. Доривор ўсимликлар хили эса янада кўпдир. Уларнинг 175 хили парвариш қилиниб, устида тадқиқот ишлари олиб борилади. Бундан ташқари маскан бойлигини ташкил этувчи кўкатлар орасида 800 турга яқини гул-манзарали ўсимликлардир. Тропик ва субтропик оранжерея ўсимликларининг етти юз турдан ортиқ навлари ва хиллари бор. Қисқаси, бундай рақамларни яна келтириш мумкин. Бироқ шуларнинг ўзи ҳам боғ ҳақиқатан ҳам ноёб эканлиги ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш учун етарли бўлса керак.

Боғнинг ботаник олимлари шундай ўсимликларни ўрганиш, уларнинг ҳалқ ҳўжалиги ва тиббиёт учун хизмат қиладиган турларини аниқлаш, ноёблари ва бошқа мамла-

катлардан олиб келинганларини жумҳуриятимиз иқлимига мослаштириш ва бошқа шу каби йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш-япти. Юзлаб турдаги ва навадаги фойдали ўсимликларни топдилар ва жорий қилдилар. Бир-бирига частиштириш йўли билан янги гул-манзарали ўсимликлар ҳосил қилдилар. Жумҳуриятда ҳалқ ҳўжалигининг янги тармоғи — доривор ўсимликшўнослиқнинг ривожланиши шу боғда тиббиёт ботаникаси бўйича олиб борилаётган ишлар билан боғлиқ.

Боғнинг илм аҳли жаҳондаги юзлаб ботаника муассасалари билан яқин алоқа ўрнатган. Бу ерда етиштирилган ўсимликлар уруғлари СССРдаги ҳамма ботаника боғлари ва ҳоржийий давлатлардаги 378 та шундай муассасаларга етказиб берилляпти, айни вақтда улардан ҳам олияпти. Бу боғдаги ўсимликлар хилини кўпайтиришнинг асосий омили бўлмоқда.

Олимларнинг тавсияси билан тиббиёт соҳасида фойдаланиладиган доридармонлар манбаи бўлган қатор ўсимликлар ҳўжаликларида экилмоқда. Абу Али ибн Сино номли давлат ҳўжалиги ва ихтисослашган бошқа шундай ҳўжаликларга иқлимимизга мослаштирилган йиғирма турт хил истиқболли доривор ўсимликларни етиштириш учун, уларнинг агротехникаси бўйича тавсиялар, берилди. Боғ олимларининг бундай кучайратлари ва илмий изланишлари туфайли Ўзбекистонимизда доривор ўсимликлар хом ашёсини етиштириш бўйича база барпо этилди.


Олимлар жамоасининг фаолиятини шулар билан санаб бўлмайди. Улар илмий-оқарув, ташвиқот-тарғибот, тушутириш ишларини ҳам олиб бормоқдалар. Уз қўллари, ақл-заковатлари билан яратган боғлари меҳнаткашларнинг сеvimли қадамжолари бўлиб бормоқда. Ҳозирги вақтда ҳар йили ўн минг нафарга яқин меҳнаткашлар, талабалар, ўқувчилар, ҳоржийий сайёҳлар бу масканга ташриф буюрмоқдалар, унинг гўзал, ноёб, ажиб манзарасидан ҳўзур қилмоқдалар. Айни вақтда боғ аҳли илмий билимларни тарғиб қилиш, аҳоли ўртасида экологик таълимни кучайтиришга ҳам муайян даражада ҳисса қўшмоқда.

М. МАХМУДОВ.



● Суратларда: тиббиёт ва саноат ботаникаси, доривор ўсимликлар участкасида лаборатория мудир Ю. Мурдахаев ва катта агроном Е. Ойхўжаева ўсимликларни қўздан кечирмоқдалар (юқорида); боғнинг игнабаргли ўсимликлар қисмида.

Суратчи А. Мальцев.



ЗАРАРКУНАДАЛАР ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Яқинда ноҳия табиати муҳофазаси қилиш комитетига Ҳамза номли жамоа ҳўжалиги меҳнаткашларидан ичимлик суви билан таъминлаш ёмон аҳволда эканлиги тўғрисида шикоят тушди. Шундан сўнг жамоа ҳўжалигига бориб аризани йўлгагилар иштронидида ахвол билан танишдик. Аризада келтирилган фактлар асосан тасдиқланди.

Бу ерда яқка тартибда уй қуриш учун ер участкалари ажратиб берилляпти. Афсуски, ҳўжалик раҳбарияти шундай турар-жой учун ажратган ер майдонинида илгари заҳарли ва кимёвий ўғитлар омбори ҳамда ёниги-мойлаш материаллари омбори жойлашган эди. Бу кўнада яшовчи аҳоли пишиқ-қаландардан олинмаётган суви истеъмол қилмайдилар. Сувадан ёниги-мойлаш материалларининг ва қандайдир бошқа ҳўдалар аниқ туради. Қайнатилган сув бетини эса оқ парда

қоплайди. Бу ерда уй солиш у ёқда турсин сабзавот экинлари экиш умуман мумкин эмас. Маскур масала юзасидан ҳўжалик бошқарувида депутатнома ёзилиб, юқоридаги камчиликларни тўғатиш учун муҳлат берилди.

Аслида заҳарли ва кимёвий ўғитлар сақланмайдиган омборлар аҳоли яшайдиган пунктлардан камида 1,5 километр узоқликда жойлашиши керак. «Заря коммунизма», Свердловск номли, Димитров номли ва Энгельс номли жамоа ҳўжаликларининг автотрактор парклари ичида жойлашган. Парклар ҳиса аҳоли яшайдиган жойнинг қсқ ўртасида барпо этилган. Бу кимёвий ўғитлар шу атрофда истиқомат қилувчи аҳоли саломатлигига таъсир кўрсатмайдми, деб ким айта олади? Бундай омборларни аҳоли манзилгоҳларидан белгиланган масофада жойлаштириш керак.

Ноҳиямиз ҳудудида давлат

ер муҳофазаси минтақалари мавжуд. Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари қирғоқлари шундай минтақа ҳисобланади. Бу дарёлар атрофидаги юз метрдан уч юз метргача бўлган ерлар давлат муҳофазасидаги минтақаси ҳисобланади. Бу зоналарда экин экиш у ёқда турсин ҳатто бир кетмон ҳам тупроқ олиш мумкин эмас. Бунинг ноҳиямизнинг айрим ҳўжаликлари қўпол равишда бузмокда. Дарё қирғоқларида экин мумкин бўлмаган экинларни экимоқдалар. Масалан, кимёвий ўғитлар билан озик-қилириб етиштирилмайдиган шолли экиляпти. Шоллопарлардан чиққан ва таркибиди кимёвий ўғитлар нормидагидан бир-неча баравар кўп турли хил оқавалар дарё сувларига қўшилиб кетаяпти. Бу сувларини уй ҳайвонлари ичиши, томорқалардаги экинларга қўйилиши мумкин.

Бундай ҳўжаликларга давлат муҳофазаси минтақасини бузиб,

экин эканлиги учун жарима солинди. Энгельс номли жамоа ҳўжалигидан Оҳангарон дарёси қирғоғидан ер очиб фойдаланганлиги учун 16 минг 120 сўм миқдорда, Волков номли давлат ҳўжалигидан эса Чирчиқ дарёси қирғоқларида экин эканлиги учун 9300 сўм жарима ундирилди.

Яқинда «Балиқчи» тажриба-намуна ишлаб чиқариш бирлашмасидаги мутасадди ўртоқлар Чирчиқ дарёси қирғоғидаги давлат ер муҳофазаси минтақасининг 8 гектарига шолли экин, деҳқончилик қилмаётганлигини аниқладик. Бирлашма раҳбарияти огоҳлантирилиб, далолатнома ёзилди.

Бундан буён ҳам комитетимиз табиат муҳофазасига зарар етказувчиларга нисбатан тегишли чоралар кўришда давом этади. Унга зарар етказувчилар, бу соҳада белгиланган тартиб-қондага амал қилмовчилар ҳеч вақт жазосиз қолмайди.

Х. САДАРОВ,
Ғалаба ноҳия табиати муҳофазаси қилиш комитети инспектори.

З. ИСРОИЛОВ,
вилоят табиати муҳофазаси қилиш давлат комитети матбуот маркази аъзоси.

• Ҳар тўғрида

ОЛТИНГА ҲАМ БОЙ

● САУДИЯ Арабистонининг нефть бойлиги ҳаммага маълум. Унинг запаслари битмас-туганмасдир. Айни вақтда у олтинга ҳам нисбатда бойлигини ҳамма ҳам билимайди. Қувайт таймаси» рўзномасининг ёзмашича, бу қироллик ҳудудидида 900 дан ортиқ олтин конлари бор. Олтин запаслари 1,1 дан 3 миллион тоннагача бор, деб тахмин қилинади.

135 ЕШДА... РЎЗНОМА
ВАРАҚЛАЙДИ

● ҲА ИШОНАВЕРНИНГ. Ҳақиқатан ҳам шундай, Литвалик Барбара Ясактенинг паспортинида таваллуд этган вақти шундай қайд қилинган: 1855 йилининг 15 июли. Бу аёл роппароса бир юз ўттиз беш ёшга кирди. У бутун умри давомида Литванинг Плуинге ноҳиясидаги Стумбрий қишлоғида яшайди. У ҳали ҳам меҳнат қилди. Ип янгирад, рўзномаларини варақлайди...

75 ФОНЗИНИ
БАЖАРИШАДИ

● АФРИКАЛИК хотин-қизлар қишда тайёрланаётган озқ-овқатларининг учдан икки қисмининг етиштириладилар, деб ёзди «Нью-интернешнлисту» ономаси. Улар қишлоқ ҳўжалик ишларининг 75 фонзини бажарядилар. Масалан, Мозамбикда аёллар аҳолисининг 90 фонзи қишлоқ ҳўжалигидида банд. Бундан ташқари улар экинмасида рўзгор ташвишлари ҳам бор. Африкалик аёллар уй ишларининг 95 фонзини бажарядилар.

Ванга қобилиятининг энг ажаблантирадиган томони — унинг вақт ва маконда ўз нигоҳини осонгина ўзгартири олишидир, яъни узоқ ўтмишдан олис келажакка ўта билишидир.

Сандански ва Петрич шахарчалари ўртасидаги Пренеचे кешилари қишида Рушита деган жой бор. Бу жой қайноқ шифобахш булаклар билан машҳур бўлиб, кичкина Кожух тоғи билан ўралган. Тоғ эгалида қуриб қолган Струма дарёсининг қумлоқ ўзани бор. Ўша ерда Ванганинг кичик уйи бўлиб, у ерда осуда табиат қўнида дам олади, келувчиларни шу ерда қабул қилади.

Ҳар йили 15 октябрда, чернов календарини бўйича Петка кунини келганда у юзлаб меҳмонларни тўплайди ва ноз-неъматлар тортади. Бундай байрам сабаби, унинг сўзларига қуйидагича (айтганларини 1985 йилда ёзиб олган эдим): «Шу кунини, 15 октябрда, минг йил муқаддам вулқон отилган. Олов лава катта шаҳар ва минглаб бегуноҳ одамларни босиб қолган. Бу одамлар баланд бўй, бақувват бўлиб, худди зарқозғозга ўхшаш юкка ва ялтироқ кийим кийганлар. Улар жуда маърифатли одамлар эди. Шаҳар ичидан олтин дарё оқиб ўтиб, ҳар бир янги туғилган чақалоқни унинг сувига тўғитиб олишган. Шаҳар дарвозаларини бахайбат ялтироқ қанотли қайнонлар безаб турган. Бу ерда, ана шу жойда учта катта ибодатхона — «Авлие Петка», «Авлие Богородица» ва «Авлие Пантелеймон» ибодатхоналари турарди. Аҳолини ўз қаърига торган тубсиз қайноқ жарлиги энди биз даволашчимиз учун буғ чиқариб турибди. Бу бегуноҳ ҳалок бўлган одамлар оҳ чекиб чиқараётган ҳовур. Менинг ҳаммагимизга илтимосим келгусида ҳам бу кунини ёдда тутиб, буткул ҳалок бўлган одамларнинг барчасини хотирланглар».

Рушита деган жой тўғрисида Ванганинг синглиси Любка шундай дейди:

— Кўп йиллардан буён Ванга истиқомат қилаётган Рушита уни ўзига ниҳоятда жалб этади, лекин нимаси билан ёқайди, билмайман. Аммо ўзи билса керак! Шахсан мени бу жой руҳимни эзиб, тамгин қилади, бошқа кўп одамларга ҳам шундай таъсир қилади. Бироқ Ванга ўша ерда «овозлар»ни эшитармиш, бу овозлар унга кўп нарсаларни ҳикоя қилиб беради. Унинг кичик қулбаси эса, унингча, ибодатхоналарни боғлаб аяни улар ўртасида туради, ибодатхоналар осори-атиқа атрофига жойлашган.

Лекин бу жой билан боғлиқ яна бир таъбир борки, у менга жуда қаттиқ таъсир қилади ва ҳар хил тахминлар қилишга мажбур этади: қариялар гўё бу жойда чавандознинг олтин ҳайкали бўй баравар кўмилган деб айтишади. Бу авлие Константиanning ҳайкали деб ҳисобланган, у бу юртга туркилар келганда ана шу жойга бекитилган бўлиши керак. Лекин менимча бу фракция худоси Герос ҳайкали ҳам бўлиши мумкин, чунки аяни шу жойда бу худо таъбири тушурилган мармар тошлар топишган эди. Шундайми, ёки йўқми, археолог мутахасссларимиз айтиб беришар, мен эса холамага тааллуқли у-бу нарсаларни тушунтириб беришга ҳаракат қиламан, — унинг биринчи каромат қилиши қудуқ олдида гапланган чавандоз билан боғланган. Чавандоз кейин ана пайдо бўлиб, унга уруш бошланганлигини маълум қилади ва у «кароматчи» бўлиб қолади, «тириклар ва ўликлар» тўғрисида олдиндан айтиб бериб туради деган. Мана ўттиз йилдирки, у босқинчилардан топилган аллақайси ерда бекитилган чавандоз тўғрисида афсона юрган жойда яшаб турибди.

Шахсан мен холам бу жойни бежиз танламаган деб ҳисоблайман. Бу ерда у дам олиб сеанслар ўтказайди. Бу ерда яқин бошқа кимсасиз жойлар ҳам бор, улар бирмунча гўзалроқ ва гавжумроқдир. У жойларда ҳам куч тўплаб, келаятган кишиларни қабул қилиш мумкин эди, лекин холам аяни ўша жойни танлаган, ўзининг гапига қараганда, олдиндан башорат қилиш учун мана шу

(Боши рўзноманинг 6 октябрь сониди).

жойда «куч-гайрат олади. Суви қуриб қолган Струма дарёси ўзани тепасидаги тоғ тизмаси «катта сирни ўзида яшириб ётади». Ўша ерда унинг фикрича, бизнинг қадимий ўтмишимизни англаб етишга ёрдам берадиган қалит бор. Қадим замонларда одамларни бу ерда жалб этган ва ҳозир ҳам Ванганинг башорат қилишини таъминлаб турадиган қанақа куч ва энергия экан, мен билмайман. Лекин олимлар ва археологлар, ўз тадқиқотларини ана шу жойга қаратсалар, эҳтимол, археология доирасидан чиқадиган нарсалар аниқланар.

Биз Вангадан «сизни бу жойга нима боғлаб туради?» деб сўрадик. У шундай жавоб беради: «Менинг бу ерда қанча яшашимнинг муайян муддати бор. Бу жой жуда алоҳидадир. У мен учун куч ва гайрат манбаи бўлиб хизмат қилади. Бир вантлар бу ерда дахшати ёнган бўлган. Тоғ тизмаси эса биздан катта сирни яшириб ётибди. Ана шу жойдан «қушлар йўли» ҳам ўтади. Қушлар жануб-



дан учиб кетаётганда ва қайтаётганда уларнинг жуда катта галаси бу ерда келади. Нима сабабдан улар бу ерда тўпланади, билмайман» (1988 йил).

«Мен бу ерда қўйилганман! Менинг олдимга келаятганлар қаттиқ ҳафа бўлган кишилардир. Мен эса уларга маслаҳат беришим керак — айримлар кейин тўғри йўл топиб кетадилар, бошқалар умуман ҳеч қачон унга яқинлашмайдилар. Мен — вақилман! — йўлдан адашганлар ва танг аҳволда қолганларга қўлимни бериб, улар қаёққа боришлари кераклигини кўрсатаман!» (1988 йил).

Унинг синглиси Любка шундай дейди:

Мана бир неча йилдирки, бирга яшаймиз, аслида туғилганимдан ҳозирги кунгача бирга-миз, лекин ҳамон унинг қобилиятларини қўриб ҳайратланаман ва бу ҳодисани ҳеч қандай изохол қилмайман, Вангани одамлар нималар деб аташмайди — кароматчи, фолбин, азаймхон ва ҳоказо. Мен учун у башоратчи, чунки ўтмиш ва келажакни қўриганига қолмай, нимани деган бўлса ва каромат қилган бўлса ниҳоятда аниқлик билан бажо бўлмоқда.

Ванга қўплаб олим одамлар билан учрашади. Бу учрашувларнинг ҳаммаси доимо ана шу одамларнинг ажаблини ёки бениҳоя ҳайратланиб кетиши билан тугайди. «Бу мўъжизани қандай тушуниш мумкин?» сўрайди учрашувдан сўнг йиринч совет олими М. — Ванга ўн йил муқаддам ўлган менинг онам билан қандай боғлангандир? Ўлган мия ахборот бериши мумкинми ўзи?».

Опам билан учрашиш истагида бўлган СССРдан келган аёл врач З. М. га Ванга «алоҳа» ташкил қилиб, қадим замон табиблари ва уларнинг даволаш усулларини тўғрисида ҳикоя қилиб берган. Кетатурсиб аёл буткул ажабланган ҳолда мендан сўради: «Бу ахир, қандай бўлиши мумкин? Аллақайси замонлар ўтиб кетган бу табибларнинг номини у қаёқдан биларкин?».

Таниқли болгар тарихчиси Н. Г. га у бизнинг днёримизда XII асрдаги ҳаёт тўғрисида шу қадар муфассал гапириб бердики, худди китобдан ўқигандек эди. Олим кейин ўзига номатўли нарсалар тўғрисида Ванга ҳикоя қилиб берганлигини айтиб, мен ўша давр тарихи бўйича энг билимдонлардан бири ҳисобланардим, деди.

Ванга, тепамизда улкан кўз бор, у бизнинг ҳамма ишларимизни кузатиб туради, дейди. «Ҳеч ким, ҳеч нарсани яширолмайди, — дейди у. — Хушмига келган ишни бемалол қилишим мумкин, деб ўйламаг, бунинг иложи йўқ, ҳеч ким эркин эмас».

У турли хил совғалар олади, лекин улар унда айтирли таассурот қолдирмайди, ердаги ҳеч нарса унга қизиқарли эмас. У юмуқ кўзлари билан бизга номатўли аллақандай нарсаларни кузатади.

...Шундай бир воқеани эслайман. Бир кун Ванганинг ҳузурига онаси ва ёш роҳиб ҳамроҳлигида бир жувон кириб келди. Ванга дарҳол роҳибга қараб шундай деди: «Сен нима учун бу ерда келдинг?» «Менинг онам касал» деб жавоб берди роҳиб. «Ахир сен роҳибсан-ку — давом этди Ванга, Сенинг уйинг ибодатхона, сен ўзининг бахшида этган черков эса — сенинг онангдир. Билан, роҳиблар фақат Худо учун яшашлари керак, чунки улар ўз қасамёлари билан дунё учун ўлгандирлар». Роҳиб уялиб кетди ва бироздан сўнг шундай деди: «Мен қариндошимни олиб келдим, у ҳам ибодатхонага кириб роҳиб бўлиб қолмоқчи».

«Бу қанақаси, — деди Ванга, — ахир у қиз эмас, у оилалик-ку?».

«Ҳа, — тасдиқлади ёш йи-

Красимира СТОЯНОВА

гитча, — унинг икки боласи бор, лекин эри билан турмуши яхши эмас ва ўз ҳаётини маънисиз деб ҳисоблайпти». «Ҳўш, — давом этди Ванга, — сен жубба (поплар) кийдиган узун чопон) кийиб олиб, унга ёрдамлашмоқчи бўлдингми? Йўқ, у болаларни ташлаб кетишга ҳам, черков дарвозаларига қўл текизишга ҳам ҳақли эмас. У кимдан яширинмоқчи бўлади? Уйини ташлаб кетмоқчимиз, у ҳолда болаларнинг кўз ёшлари уни тирик қайиш қўйдирадими? Кетинглар!.. Сен, йигитча, ўзинг ҳам ибодатхонага мўносиб эмассан».

1979 йили унинг олдида актёр Вячеслав Тихонов ва ёзувчи Юлиан Семенов келишганда Ванга синглисига шундай деди: «Ховлида бироз кутиб туришсин, мен уларни қачон қабул қилишим кераклиги тўғрисида сигнал олишим лозим». Тихонов пойгакка қадам қўйиши биланқо Ванга унга бақира кетди: «Сен нима учун қадрлар дўстининг истагини бажо келтирмадинг? У Юрий Гагарин. У ўзининг охириги синов парвозига тайёрланганда сизлар билан хайрлашмоқчи бўлиб келиб шундай деган: «Менинг вақтим йўқ, шунинг учун жингирик соат сотиб олишингизни жуда-жуда истайман, уни мен олиб бергандек бўлиб ёзув столигига қўйиб қўй. Мендан сенга хотира бўлади». Актёр шунчалик ҳайратга тушдики, ўзини жуда ёмон ҳис қила бошлади. У ҳаммаси аяни шундай бўлганлигини сўзлаб берди, лекин Гагарин ҳалок бўлиб шошилиб қолди, соат сотиб олишни унутиб қўйган эди. Ванга: «Лекин сиз ҳаммасини билингиз керак: Юрий Гагарин ўлган. Уни олиб кетишган!» Ким томонидан, нега, қаёққа, буни айтмади.

Актёр билан бирга келган ёзувчи Юлиан Семеновга шундай деди: «Сен фильм туркумини ёзиб давом эттиришинг керак (гап ўша пайтда шов-шув бўлган «Ваҳорнинг ўн етти лаҳзаси» туркум фильмидаги ҳақида борарди). Ҳозирча сен бу мавзунинг устассан. Сен Испанияга боришинг ва у ерда аллақайси Владимирни қидириб топишинг керак. У сенга кўп нарсаларни айтиб, ёзишинг учун қизиқарли ҳолатларни кўрсатиб беради».

Эндигина китоб ёзишга киришган бир адиба у шундай деди: «Сенинг китоб охиридаги аялнинг ўлимига алоқадор ўйларинг ҳақиқатга тўғри келмайди. Ҳаётда бундай бўлмайдми. Қадрамонингиз ўлдирмай қўй, шунда китоб ҳақиқий бўлиб чиқади».

Ванга шундай дейди: «Мен ер юзининг энг қайноқ нуқталарида ҳозир бўламан ва қон тўқиларини ҳам, табиатдаги кескин ўзгаришларни ҳам, ҳалокатларни ҳам кў-

риб тураман. Кечқурун сизлар ухлайсизлар, мен эса инсон турмуши саҳифаларини арақлайман, ҳамма одамлар фожиасини бошдан кечираман».

Любка:

— Бир неча йил муқаддам бир-гунуҳ аёллар билан, улар орасида қайнонам ҳам бор эди, Ванга Рильск ибодатхонасига боради. Жуда яхши эсимда, бу воқеа 1950 йил 1 сентябрда бўлган эди. Черков хизмати тугагандан сўнг, ўшанда Авлие Иван байрами бўлган эди, Ванга тоқатсизлана бошлади ва аёлларни ҳамда ёнма-ён бўлган ибодатчиларни бу ердан дарҳол жунаб кетишга даъват этади, чунки бироздан сўнг қандайдир дахшати нарса ўзи беради, деб айтади. Аёллар уни тушунишмайди. Улар черковдан чиққанда одамлар кўп бўлганлиги учун бирон қор-ҳол бўлса керак, деб ўйлашади. Вангани бироз вақт қолшини, чунки соат 17 да Санданскига автобус жўнашини айтишади. Унгача бу ерда бўлиб, томоша қилиш имкони бор эди, Ванга гапиде туриб олади, лекин аёллар унинг айтганини қилишмайди. Шундан сўнг у танишлари билан машинада жунаб кетади. Сира қутилмаганда соат 14 ларда қуюқ булут пайдо бўлиб шунақанги ёмғир шаррос қўйиб берадики, қисқа вақт ўтмай Рильск дарёси кўтарилиб, ҳамма йўлни сув босиб кетади. Ҳечким ибодатхона ҳовли-сидан чиқолмай қолади. Яқин атрофдаги қишлоқни ҳам сув босиб, уйларни сув олиб кетади. Ибодатхонага келганларнинг юкларини ҳам кучли сув оқими олиб кетади. Менинг қайнонам бир неча аёл билан бир солга аранг чиқиб олишади. Уни сув оқибди кетиш хавфи бўлган одамларни қўчириш учун келган ўт ўчирувчилар олиб келганди. Қайнонам битта қўйлақда шалаббо бўлиб қайтиб келди, у жуда қўрқиб кетган эди, шундан сўнг касал бўлиб қолди.

Любанинг қизи Анна, врач:

— Врач сифатида мен бу ҳодисага ишонмай қарашим керак эди, лекин касаликни аниқлаб ёки уни даволаш борасида Ванга мени «таъзим» этишга мажбур қилади. Унинг медицинадан хабари йўқлигини биламан, лекин қандай қилиб у касалини аниқ айтиб бериши ва даволашини тушунолмайман.

Любка Ванга даволаган касалик ҳолатлари, шунингдек унинг маслаҳатларининг ҳаммасини тўплаган. Ана шу маслаҳатлардан айримларини келтирамиз:

— Ёзда ялангоёқ юринг, деб маслаҳат беради Ванга. Ер билан алоқани узаман. Болаларни ёзда ялангоҳ ва ялангоёқ қўйиб юборинг, майли кир-чир бўлиб келишин, ҳамма ерда ўйнайверишин, кейин қишда ҳамма касаликлардан ҳимоялана оладилар. Уларнинг емиши қўнчиқа суяқ овқат бўлиши керак. Болаларга қуруқ нон қаватиш қўймаган.

— Ҳар кун кечқурун чўмилиш билан бирга албатта, оёқларини ювиш керак.

— Ванга қўпинча менга ботаникадан «дарслар» беради. Мен уни ўтлоқларга олиб борардим ва гапларига қўлоқ солардим. У доно ўқитувчи сифатида менга шошмай тушунтирарди. Билмадим, у қандай қилиб нимани «қўриш» мумкин эди, ҳатто қаёққа қарашим кераклигини кўллари билан кўрсатарди: «Олдинда турган мана бу гиёҳни биласанми? «Вилман», — дейман. «Бу гиёҳнинг уругини — кам қонли болалар овқатига қўшиб берса жуда яхши фойда қилади, мана бу ўч баргли катта ўсимликни уйда сақлаб туриб бўлмайди—ҳар хил қўрқинчи нарсалар тушга қиради, аяниқча у гуллаган пайтда. Мана бу қўнғироқчалари бор кичик гул бу ерда галаён кўп бўлиб турган мамлакатдан олиб келинган. Энди эса селдр ҳидини сезаман, у бодини даволайди. Ундан тайёрланган салат ҳар бир уйдаги дастурхонда бўлиши керак. Ялпиз эса ошқозон бузилганда ёрдам беради. Канал ёқасида ўсаётган гиёҳ ўрни ҳўл бўлиб қолади-ган болалар учун ажойиб дориридир. Ҳозир биз босиб ўтган гиёҳ эса «қийин битадиган яраларга қарши яхши воситадир... Гиёҳлар менга ўзи ҳақида айтиб туради, лекин улар жуда кўп, шунинг учун айримларинигина эслаб қолшга улгураман...»

(Давоми бор).



Душанба

15 ОКТЯБРЬ

УзТВ I

18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультифильм. 18.15 Ёзувчилар — болаларга. 19.00 Ҳокимият Советларга. 19.30 «Ахборот». 19.50 Ҳамаз мукофотида номзодлар 20.30 «Ахборот». 20.50 Чанг тароналари. 21.30 «Время». 22.00 Ҳорманг, пахтакорлар. 23.00 Тиниб-тинчиман қариялар. Бадий фильм.

УзТВ II

19.05 «Ассалому алайкум». Такрор. 20.05 Обуна-91. 20.20 Лев Гурич Синичкин. Бадий фильм.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 «Время». 22.00 Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.50 Альбатроснинг сўнги рейси. Телевизион бадий фильм. 1-серия.

MT I

16.15 Наврўз. 16.35 Мультифильм. 16.45 Ҳужжатли фильмлар. 17.15 Болалар соати. 18.15 Биз ва иқтисодиёт. 19.00 «Время». 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.00 Шерият лаҳзалари. 20.15 Минотавр ҳузурига ташир. Беш серияли телевизион бадий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.00 Коллаж. 22.05 Футбол шарҳи. 22.35 Жаҳон саҳнасининг юлдузлари. 00.40 «ТСН».

MT II

18.10 Ҳужжатли-публицистик фильм. 19.00 «Время». 19.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 19.55 Ҳужжатли фильм. 20.15 Жонимсан, қазақ қўшиқлари. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 От спорт. 21.50 Ҳужжатли фильм. 22.25 Ҳоккей. СССР чемпионати. МАСК — «Крилья Советов». 00.40 Фақат бир кун ёз бўлди. Бадий фильм.

Сешанба

16 ОКТЯБРЬ

УзТВ I

11.30 Физика. 12.00 Қалб қувончлари. 12.30 Математика. 13.00 Мафҳий топишқор. Бадий фильм. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультифильм. 18.20 Ўзбек тилини ўрганамиз. 18.50 Бокс. Бутуниттифок турнири. 19.30 «Ахборот». 19.45 Рақслар гулдаси. 20.15 Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашида. 20.30 «Ахборот». 20.50 Халқ кўзгуси. 21.20 Телефильм. 21.30 «Время». 22.00 Ҳорманг, пахтакорлар. 23.00 Қизилдум. Бадий фильм.

УзТВ II

19.05 Мультифильм. 19.20 Сўхбатга тақлиф этилди. 20.20 Телефильм. 20.45 Цирк. Цирк. Цирк.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 «Время». 22.00 Концерт. 22.40 Футбол. «Помир» (Душанба) — «Днепр» (Днепропетровск).

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Минотавр ҳузурига ташир Бадий фильм. 1—2-сериялар. 11.30 Мультифильмлар. 12.05 Кувнок стартлар. 12.50 Коллаж. 13.00 «Время». 13.40 Болалар соати. 14.40 Футбол шарҳи. 15.10 Ҳужжатли фильм. 16.15 Ҳуж-

жатли фильм. 16.45 Концерт-очерк. 17.15 Мультифильм. 17.30 Бор бўл, мусиқа. 18.20 Теле-ЭКО журнали. 19.00 «Время». 19.30 Бизнинг мерос. 20.00 Мультифильм. 20.20 Минотавр ҳузурига ташир. Бадий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.00 Долзарб интервью. 22.15 Концерт. 22.35 Россиянинг парламент хабарномаси. 22.50 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 23.05 «Делегатскаядаги музей» туркумидан. 23.40 «Сўз». Адабий-Бадий программа. 01.40 «ТСН».

MT II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15 10.25 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.45 Теварак-атроф билан танишиш. 9.55 Француз тили. 11.05 Француз тили. 11.35, 12.35 Жуғрофия. 12.05 Сиз яратган бог. 14.20 Ритмик гимнастика. 14.50 Ботқоқликдаги кишилар. Саккиз серияли телевизион бадий фильм. 1-серия. 17.55 Аревик. Бадий фильм. 19.00 «Время». 19.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 20.15 Концерт. 20.25 Коллаж. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 «АвтоВАЗ» муаммолари. 21.25 Созандаларга мусиқа ҳақида. 00.10 «ТВ-экспресс». М. Лермонтов Москвада. 00.50 Ҳоккей. «Динамо» (Москва) — «Спартак».

Чоршанба

17 ОКТЯБРЬ

УзТВ I

11.30 Биология. 12.00 Телефильм. 12.30 Кимё. 13.00 Фирбарнинг фибриблари ёки бир ерда зир югуриш. Бадий фильм. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультифильм. 18.20 Фагга бағишланган умр. 18.55 Дала неъматлари — эл дастурхонига. 19.30 «Ахборот». 19.45 Келажгимиз — мактабда. 20.30 «Ахборот». 20.50 Мақом кечаси. 21.30 «Время». 22.00 Ҳорманг, пахтакорлар. 23.00 Йўқолсин севги фронтидаги чайқовчилар. Бадий фильм.

УзТВ II

19.05 Ҳар бир оила учун. 19.45 Телефильм. 20.00 «Тошкент хабарлари». 20.10 «Ғолиб». Бадий фильм. 21.25 Тижорат хабарлари.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 «Время». 22.00 Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.50 Альбатроснинг сўнги рейси. Бадий фильм. 2-серия.

MT I

7.00 «120 минут». 9.00 Минотавр ҳузурига ташир. Бадий фильм. 3-серия. 10.15 Мультифильм. 10.35 «Сўз». Адабий-Бадий программа. 12.35 Бу бўлган... бўлган... 13.00 «Время». 13.40 Илмий-оммабоп программа саҳифаларида. 16.15 Ҳужжатли фильм. 16.35 Мусиқий хазина. 17.15 Болалар учун қисқа метражли бадий фильмлар. 18.00 Болалар соати. 19.00 «Время». 19.30 Педагогика ҳақида ўйлар. 20.00 Ҳужжатли фильм. 20.10 Минотавр ҳузурига ташир. Бадий фильм. 3-серия. 21.30 «Время». 22.00 Коллаж. 22.05 Биргаликда қўшиқ куйлаймиз, дўстлар. 00.10 «ТСН».

MT II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15 Ҳужжатли фильм. 9.35, 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10.05 Немис тили. 11.05 Немис тили. 11.35, 12.35 Биология. 12.05 «Бурда моден» тақлиф этди. 13.05 Аревик. Бадий фильм. 1-серия. 14.10 Ҳужжатли фильмлар. 14.50 Бот-

қоқликдаги кишилар. Бадий фильм. 2-серия. 17.55 Аревик. Бадий фильм. 2-серия. 19.00 «Время». 19.30 Ҳужжатли фильм. 19.40 Концерт. 20.25 Коллаж. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Россиянинг ҳужжатли экран. 22.20 СССР Олий Совети сессиясида. 00.20 Киножурнал. 00.30 Футбол. СССР — Югославия.

Пайшанба

18 ОКТЯБРЬ

УзТВ I

11.30 Ҳужжатли фильмлар программаси. 12.15 Тиниб-тинчиман қариялар. Бадий фильм. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультифильм. 18.25 Кичкинтой программаси. 18.55 Алифбо сабоқлари. 19.30 «Ахборот». 19.50 Долзарб мавзу. 20.20 Тижорат хабарлари. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон Ленин комсомол мукофотида номзодлар. 21.30 «Время». 22.00 Ҳорманг, пахтакорлар. 23.00 Доира довури.

УзТВ II

19.05 Телефильмлар. 19.40 Қадарда ва кадр ортда. 20.40 Узок кутилган дилхушлик. 21.30 ТТЗ ишлаб чиқариш корхонаси ҳақида.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 «Время». 22.00 Дилафруз. 23.15 Альбатроснинг сўнги рейси. Бадий фильм. 3-серия.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Минотавр ҳузурига ташир. Бадий фильм. 4-серия. 10.15 Мультифильм. 10.25 Педагогика ҳақида ўйлар. 10.55 Альманах. 11.55 Болалар соати. 12.55 Коллаж. 13.00 «Время». 13.40 Фильм-концерт. 16.15 Болалар учун фильм. 16.45 Ҳужжатли фильм. 17.15 Ҳужжатли фильм. 17.45 Мультифильмлар. 18.15 Илмий-хабарнома. 19.00 «Время». 19.30 16 ёшгача ва ундан катталар. 20.15 Шерият лаҳзалари. 20.20 Минотавр ҳузурига ташир. Бадий фильм. 4-серия. 21.30 «Время». 22.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 22.15 Долзарб интервью. 22.50 Мусиқий телефильм премьераси. 23.45 Бадий-публицистик программа. 01.00 «ТСН».

MT II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15, 10.25 Обьективда — жониворлар. 9.35, 10.45 Табиатшунослик. 9.55 Испан тили. 11.05 Испан тили. 11.35, 12.35 Биология. 12.05 ТелеЭКО журнали. 13.05 Аревик. Бадий фильм. 2-серия. 14.10 Ритмик гимнастика. 14.40 Ботқоқликдаги кишилар. Бадий фильм. 3-серия. 17.30 Мари МСЖ Давлат телерадиоси. 18.00 Ритмик гимнастика. 18.30 Ҳужжатли фильм. 19.00 «Время». 19.30 Қадардон ватаним. Русь. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Коллаж. 20.50 Телевизион мусиқий абонемент. 22.10 СССР Олий Совети сессиясида. 23.40 «Дульсинейя Тобосская». Телевизион бадий фильм. 1-серия.

Жума

19 ОКТЯБРЬ

УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Фильм-концерт. 12.00 Йўқолсин севги фронтидаги чайқовчилар. Бадий фильм. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мактабимиз — фахримиз. 18.50 Концерт. 19.30 «Ахборот» (рус тили). 19.50

Хизматимиздан мамнунмисиз? 20.30 «Ахборот». 20.50 Муносабат. Ёшлар учун кўрсатув. 21.30 Москва. «Время». 22.00 Ҳорманг, пахтакорлар! 23.00 Улғубек юлдузи. Бадий фильм. 00.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 Бу оқшомда. 20.00 Пульс. Тошкент хабарлари. 20.10 Бу оқшомда кўрсатувнинг давоми.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Минотавр ҳузурига ташир. 5-серия. 10.15 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 11.00 Мультифильмлар. 11.25 Ҳужжатли фильм. 11.55 Умринг боқий бўлсин. Ер! 12.55 Коллаж. 13.00 «Время». 16.15 Қисқа метражли телевизион бадий фильмлар. 17.10 «Ахлатга...» Ҳужжатли фильм. 17.40 Фалсафий сўхбатлар. 18.25 Шувалов куйлайди. 18.50 Америкадан мактублар. 19.45 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 20.15 Минотавр ҳузурига ташир. Беш серияли телевизион бадий фильм. 5-серия. 21.30 «Время». 22.00 Коллаж. 22.05 Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра. 22.15 Бу бўлган... бўлган... 22.35 «В и Д» программаси. 01.35 ТСН.

MT II

9.15, 10.25 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.35, 10.40 Тарих. 9.55 Инглиз тили. 11.05 Инглиз тили. 11.35, 12.35 Адабиёт. 12.05 Давомли мўзола. Кундаликлар. 13.05 Концерт. 13.20 Ботқоқликдаги кишилар. Полесье воқеаси. 4-серия. 17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.30 Спорт ҳамма учун. 19.00 «Время». 19.30 Волейбол. СССР — Франция. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Коллаж. 20.50 Концерт. 22.00 СССР Олий Совети сессиясида. 23.30 Дульсинейя Тобоская. Телевизион бадий фильм. 2-серия.

Шанба

20 ОКТЯБРЬ

УзТВ I

8.00 Ассалому алайкум. Мусиқий кўрсатув. 9.00 Болалар — бизнинг келажгимиз. 9.40 Савҳатлар эртаги. Бадий фильм. 11.20 Саломат бўлинг! 11.50 Даврага кел, дугонажон! 14.05 Инсон ва қонун. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Мультифильм. 18.15 Тенгдошлар. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 «Ахборот». 19.45 «Бобурнома» яратилганлигининг 460 йиллигига. 20.15 Оқшом эрталари. 20.30 Ҳафтанома. 21.30 Время. 22.00 Х. Олимжон таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали мажлис. 23.00 Ҳорманг, пахтакорлар! 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

MT I

7.00 «120 минут». 9.00 Сиз яратган бог. 9.30 Мультифильм. 9.40 Фильм-концерт. 10.10 Тижорат хабарномаси. 10.40 Ғолиблар. 11.40 П. И. Чайковский «Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедиясига ёзилган мусиқа. 12.10 Ҳужжатли фильм. 13.25 Рустам ҳақида достон. 1 ва 2-қисмлар. 15.45 Тайвандга туйнук. 16.35 Қадимий қитобларни асровчи. 16.45 Ҳайвонот оламида. 17.45 Халқаро панорама. 18.30 «Спортлотонинг» 20-йиллиги. 20.05 54 ёшга тўлган кунимда. Телевизион бадий фильм. 21.30 «Время». 22.00 СССР ҳукуматида. 22.10 КВН-90. 24.00 Россия парламентининг хабар-

номаси. 00.15 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 00.30 ТСН. 00.45 Оперетта айбанди.

MT II

8.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.50 Мультифильм. 9.10 Кропоткинда оилавий байрам. 9.50 Ҳужжатли фильм. 10.30 «Ойла» телепрограммаси. 11.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 12.00 Майдон. 13.00 Кўтебелда Макс ҳузурида. Телевизион ҳужжатли фильм. 13.10 Волейбол. СССР — Япония. 14.00 Ҳамдўстлик видеоканали.

17.30 Ўзбекистон телевидениесининг видеоканали.

20.00 Ҳужжатли фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Ҳоккей. СССР — Швеция. 21.30 «Время». 22.00 СССР Олий Совети сессиясида. 23.30 Футбол. СССР чемпионати. 01.10 Киноконцерт. 02.20 Арзизмангиз хизмат. Телевизион бадий фильм.

Якшанба

21 ОКТЯБРЬ

УзТВ I

8.00 Ҳафтанома. (такрор). 9.00 Фил йўқолди. Бадий фильм. 10.15 «Имон» видеоспектакли. 12.15 Инсон саломатлиги ва атроф муҳит. 12.55 Ягона оилада. 13.55 Матонатли кишилар. 14.40 Мулоҳаза. Кўрник якунлари. 16.10 Алифбо сабоқлари. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Бокс. 18.50 Мультипанорама. 19.30 Ахборот.

УзТВ II

19.50 Тилимиз — бизнинг дилимиз. 20.10 Ахборот. 20.50 Тилимиз — бизнинг дилимиз. (Давоми). 21.20 Тижорат хабарлари. 21.30 «Время». 22.00 Ҳорманг, пахтакорлар! 23.00 Қора ўқ. Бадий фильм. 00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

MT I

8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 II Бутуниттифок Рерих уршувлари. 9.30 Болалар учун кўрсатув. 10.30 Ватан хизматида. 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Зорье. 13.45 Мусиқий киоска. 14.15 Аэробика. 15.15 Маримба. По-нес болалар ансамблининг чикши. 15.45 Мультифильм. 17.15 Кишлоқ янгиликлари. 18.30 Мультифильм. 18.45 Чилларчин. Телевизион спектакли. 20.25 1990 йил қўшиқлари. 21.30 «Время». 22.00 Одий ва мангулик ҳақида. 22.15 Қўйроқ фильм. 23.05 «А» программаси.

MT II

8.30 Зарядкага сафланинг! 8.50 Мультифильмлар. 9.30 Концерт. 9.55 Ҳужжатли фильм. 10.35 Концерт. 11.15 Ҳужжатли фильм. 11.25 Обьектив. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.05 Мультифильм. 13.25 Георгий Свиридов. 14.25 Коллаж. 14.30 Волейбол.

15.00 Ўзбекистон телевидениесининг видеоканали.

17.30 Халқаро программа. 18.30 ТФ студияси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 ТФ студияси. 21.30 Время. 23.00 ТФ студияси. 01.00 «Ялта-90» автораллиси.



